

Рутубатли кишининг қаҳри кесилиб, ҳаводан баҳор нафаси уфура бошлади. Элви заклар — баҳоройнинг жувшин чопарлари бор мавжудотдан суюнчи олиб, табиатни мудроқ киш кайфиятидан чиқаришга шошилмоқда. Кечгина ёғиб утган ёмғирдан сунг ҳаводан куқсимиизни тўлдириб сипкорганимизда бу нафасни янада теран англадик.

Корлар кетган ер юзасида, Кўннинг тиник ферузасида, Қалдирғочлар маърузасида — Баҳор даргаги...

Ха, эзулик, нафосатта ошино, қут-баракка элчилари бўлиш қалдирғочлар ташрифи ҳам мени қувонтиради. Гарчи улкамизда иллик бошлини билан бир қанча турдаги қўшлар кириб келишса-да, лекин улар ичида қалдирғочнинг файзи бу-

Қўшлар элчиси
ҚАЛДИРҒОЧ
ТАШРИФИ
ХАЙРЛИДИР

лакча. Кексаларимиз айтишларича, қалдирғоч чарх уриб, қайси унинг пештоқлари бурчагаги ин курсо, уша хонадоннинг аҳши ниятлари шу йили ушалишидан дарак булар экан.

Қалдирғочнинг доимий ошибни одамларнинг уйда, айвон ҳавозаларига ташушида лой ташиб, шундай саранжом, озода, силлик қилли ясаган инлари уста кулларнинг санъатига қибелгадудек. Худойи юксак дидфаросат бериб яратган бу мўъжизакор қўшни ранжитиш катта фалокат келтирар экан.






Шундай илк баҳор кунларида қалдирғочлар бир айвоннинг пештоқига макон қуришди. Улар узидан қўшаётган пайтлар, уйқароқ, шўх бола атайлаб, нарвон қўйиб, қушнинг тухумларини олади. Наҳияда туғилажак қалдирғоч нобуд бўлади. Бола-бола-да, жуфт қалдирғочлар учиб келишиб, ин атрофида гирён бўлиб, чарх уришганини қўриб ҳам у нима қилиб қўйганини англаб етмади. Кунлар ўтиб бола орғиб қолди. Ота-она ҳам қалдирғочлардек бола тепасида гирён уришадди. Ниҳоят овқат турди. Энди у иккинчи бор қалдирғочларга озор бермасликка ҳаракат қилди. Кеч бўлса-да, тушуниб етганининг ўзи аҳшилик аломати.

Бир дугонам бор эди. Баҳор кезлари унинг уйига борганимизда қалдирғочларнинг бежиримгина қилиб қурган уйчасини қўрқатиб мақтанганига бизникига ҳам қалдирғочлар ин қўйишини роса пойлаган эдим. Уша кезлари дугонанинг оила-сида тўй таралдуди бўлаётган эди. Ҳаммак чинида қилинган. Лекин уларни таъмирлаш пайтида дадасига айвонни бир бурчагада қалдирғоч ини ёқмабди. «Аҳир, тумонат одам келадиган жойда бу ин нимаси», деб уни бузиб ташлабди. Эртасини, индинга қанда томоннинг айнаиб қолганлиги ҳақидаги хабардан туй қолдирганилади.

Қалдирғоч бегараз жонивор. Одамларнинг уйларига ҳамон баҳор—шодлик элчиси, барака рамзи бўлиб макон кураверади. Бу беозор жонзот шунинг учун ҳам эъозли бўлса ажабмас. Ма, яна қалдирғочлар юртимиз осмониде парвоз қилавертир. Қалдирғочим, ташрифи-н хайрли, қутлуг, макон қураар хонадонинг баракотли бўлсин:

Эшикларни кенг очинг
Топсин ниятлар ривож.
Ёзганича қулочин
Кириб келсин қалдирғоч.
Ҳар уйга, ҳар хонага
Макон қурсин абадий.
Юртимизга барака
Олиб келсин абадий.

Саида ЗОКИРОВА.



«Пахтакор» номини юртимизнинг футбол ишбилармони ҳурмат билан тилга олади. Чунки, Ўзбекистон футболининг энг шарафли лаҳзалари ушбу сеvimли жамоа номи билан боғлиқдир. Бир неча ун йиллар бурун собиқ Иттифок ва жаҳон футбол мухлислари айнан «Пахтакор» мисолида ўзбек футболки ҳақида тасаввур ҳосил қилганлар: «Пахтакор» бундай шарафли вакиллик вазифасини нечоғлик аъло даражада бажарганлигини катта авлод вакиллари ҳазир ҳам ширин энтиқиб ва ҳаждон билан эслайдилар. Командага мухлислар меҳрининг чеки йўқ эди. «Пахтакор» номининг оханраболиги шунчалик эдики, ҳатто ўрин-босарлар уйинларига ҳам 10—15 мингтага ички бошқарув тўғрилиқлариди. Асосий қоманда ўйнаган пайтда-ку, қўверинг...

Уша пайтдаги газеталарда «Пахтакор» ҳақида ёзилган мақолаларда қуйидагича жум-

Мавсум тараддуди
МАҚСАД — МУХЛИСЛАР ДИЛИНИ ЗАБТ ЭТИШ



лалар тез-тез учраб турарди: «Уйининг бошлангиши уч дақиқига кечиктиришга тўри келди — майдонга сочилиган гулларни йиғиштириб олишга шунча вақт кетди, гуллар жуда кўп эди», «Самарқанднинг «Спартак» стадионига ҳеч қачон бунчалик кўп мухлислар йиғилмаган эди. Ҳатто, юғурлик йўлақлари ҳам томошабинлар билан қўш бўлиб, «Москвада ҳам «Пахтакор»нинг мухлислари бисёр экан. Улар ўйинга турли алвонлар ёзиб келишди», «Тбилисликлар олдата факатгина «Динамо»чилар гуллар ҳади эйтишарди. Аммо улар бугун тошкентлик футболчиларни шундай шарафга лойиқ деб билдилар. Тбилиси стадионига шу пайтга қадар пахтакорчиларга тақдим этилганчалик кўп гул олиб келишмаган эди», «Фавқулодда ҳолат! Уйинга атиги битта билет сотилмасдан қолди», ва ҳоказо...

Бугунги кунда ҳам, гарчи «Пахтакор» мавсумини анча қўлдан бой берган бўлса-да, унга ишонч ҳали мухлислар дилини тарк этгани йўқ. Пахтакорчилар бу юксак ишончнинг муносиб оқлашга доимо ҳаракат қилдилар. Команда эришган ҳар бир муваффақият, унинг фаолиятидаги кичик ижобий ўзгариш ҳам ишқибозлар томонидан хайрихоҳлик билан қўлиб олинади. Айниқса ҳозир, мавсумлар ораллигидаги ўзгаришлар, навбатдаги чемпионатга тайёргарликнинг бориши қандай кечаётганлиги кўпчиликини

лалар тез-тез учраб турарди: «Уйининг бошлангиши уч дақиқига кечиктиришга тўри келди — майдонга сочилиган гулларни йиғиштириб олишга шунча вақт кетди, гуллар жуда кўп эди», «Самарқанднинг «Спартак» стадионига ҳеч қачон бунчалик кўп мухлислар йиғилмаган эди. Ҳатто, юғурлик йўлақлари ҳам томошабинлар билан қўш бўлиб, «Москвада ҳам «Пахтакор»нинг мухлислари бисёр экан. Улар ўйинга турли алвонлар ёзиб келишди», «Тбилисликлар олдата факатгина «Динамо»чилар гуллар ҳади эйтишарди. Аммо улар бугун тошкентлик футболчиларни шундай шарафга лойиқ деб билдилар. Тбилиси стадионига шу пайтга қадар пахтакорчиларга тақдим этилганчалик кўп гул олиб келишмаган эди», «Фавқулодда ҳолат! Уйинга атиги битта билет сотилмасдан қолди», ва ҳоказо...

ФЕРЕП ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Яқинда «Пахтакор» командасининг бош мурабийи голландиялик Ханс Ферел иккинчи ярим ойлик танаффусдан сунг Тошкентга қайтиб келди. Бош мурабий келган куннинг эртасига «Пахтакор» «Сўғдиёна» билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Ферелнинг қайтиши футболчиларга кўп қўшмишларни оқшади, лойтахтилар турди 2:1 ҳисобида галаба қозонди. Ушбу ўйин арасидада бош мурабийга бир неча саволлар билан мувоажиз қилиди.

— Жаноб Ферел, Голландияда бунчалик узок мuddатга қолишинизнинг сабаби нима?
— «Витесс» ҳозир бироз муаммоли дарино бошдан кечиряпти. Шу вақтдан ёрдам сўраганлариде рад эта олмади. Иккинчи йили мўгайишда «Витесс»ла ишланамиз тўғ-

кизиктиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг шу йилнинг 16 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сунг мухлислар «Пахтакор» фаолиятида ҳам сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини ҳақли равишда кутмоқда. Шунинг учун бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни «Пахтакор» футбол клубининг вице-президенти Асқар Тилибжоневдан илтимос қилдик.

— Бизни доимо юксак мақсадлар йўлига бошловчи куч — бу мухлисларимизнинг ишончидир, — дейди Асқар ака. — Айни кунларда фаолиятимизни ҳар томонлама янги босқичга кўтариш учун кенг қамровли ишлар олиб боряпти. Жаҳоннинг илгор давлатларидаги сингари клуб тўғрисидаги жорий этиш учун барча ҳужжатларни тайёрлаш, иш услубларини янгилаш асосда ташкил этиш зарур. Жумладан, ташкилий, молиявий ва таъминот масалаларида тўлик эркинлик бўлиши лозим. Ҳар бир футболчи билан уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини белгиловчи шартномалар тўғрисида, имзоланди. Республикамиз ва Тошкент шаҳри раҳбарияти, барча хомийларимизнинг футболни ривожлантиришдаги жонқуяриликлари ҳаммамизни беҳад қувонтириб, айни вақтда улкан масъулиятлар юклайди. Клубимиз президенти этиб сайланган Тошкент шаҳар хокими Козим Тўлганов жамоамиз фаолиятига оид барча масалаларда катта ёрдам беряптилар. Шунингдек, барча харакатларимизни мувофиқлаштирувчи клуб бошқаруви тўғрисида, унга Тошкент шаҳар хокимининг ўринбосари Шўҳрат Жалилов бошчилик қилмоқда. Клуб бошқаруви таркибига Тошкент шаҳар хокимлиги, ташки иктисодий фаолият миллий банки, «Ўзбекмебель» каби 11 та энг йирик хомий таясисчиларимиз билан ҳам ирадилар. Хулусан, жамоамизга кўрсатилётган катта гамхўрлик ва фаолиятнинг янгилаш асосда ташкил этилиши тез орада ижобий самаралар беришига ишончимиз қомил.

Энди янги мавсумга тайёргарлик масаласига келсак, машгулотлар пухта режа асосида мунтазам олиб боряпти. Ҳафтада икки марта ўртоқлик ва назорат ўйинлари ўтказилапти. Мурабийлар — Александр Иванов, Ислом Аҳмедов ва голландиялик Ханс Ферел бирлигида ҳар бир футболчи билан ўзига хос услубларни тарбиялаш ва такомиллаштириш учун махсус машқлар асосида машгулот олиб боряптилар. Қийрайдиги ўқув-машқ базамида барча шароитлар муҳайё қилинган — бу билан ҳақли равишда фалфанаскар азайди. Бу йил хилма-хил даражадаги учрашувларга бой бўлиши кутилмоқда. Бундай режа жамоа ўйин услубларини такомиллашуви ва сайқал топиши учун жуда муҳимдир. Яқинда ўқув-машқ ҳозирлиги доирасида Голландия сафарига жўнаймиз. У ерда машгулотлар билан бирлигида ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказиш қўзда тутилган.

«Жамоадан кимлар кетди?» деган савол хусусида тўхталидиган бўлсак, шун қатъий таъкидлаш лозимки, ҳали ҳеч қайси футболчи «Пахтакор»ни тарк этгани йўқ! Тўри, баъзи ўйинчилар бошқа жамоаларга кетиб қолганлиқлари ҳақида турли миш-мишлар бўлди, лекин улар асосидадир. Барча масъулиятини зиммамга олган ҳолда яна таъкидлаш: ўқув машгулотларида ўтган йилги таркиб тўлиқ иштирок этмоқда. Шу билан бирга бир қатор ёш, умидли футболчиларни ҳам сафларимизга қабул қилдик.

Ҳар қандай муваффақият пухта ўйланган режадан, режа эса — ниятдан бошланади. Бизнинг ҳам яхши ниятларимиз кўп. Энг асосийси эса — мухлислар меҳрини қозонишимиз.

Баҳодир ҲАСАНОВ.



Уймакор усталаримиз яратган буюмлар қадимдан эларо машҳур ва манзурлиги билан шўҳрат қозонганлигини ушбу суратда акс эттирилган иш жараёни ҳам яна бир бор исботлаб турабди. Рустам Шарипов олган сурат.

Янгиликдан хабарингиз борми?
ХАЛҚ МЕРОСИНИ АСРАШ

«Ёдгорлик» тарихий обидаларни муҳофаза этиш республика жамияти чиқарётган янги лотереяни ўтказишдан ана шундай мақсад қўзланмоқда. Бизнинг лотереямиз хайрия мақсадларида ўтказилди, — дейди бу тадбир муассисларидан бири, «Ёдгорлик» жамияти ҳузуридаги «Буюқ Турон» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси В. П. Горбачёв. — Ютук чиққан лотереяларга ажратиладиган ютук фондидан қолган ҳамма маблағ Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш мақсадларида ишлатилади.

Янги лотерея пул-буюми. Ютук фонди сотилган лотерея қийматининг тенг ярмини ташкил этади. Унда автомобиль (шу жумладан чет эл автомобиллари ҳам), шахсий уй-жойлар, қотеллар, квартиралар, хиссадорлик жамиятларининг акциялари ютукка қўйилади. Ҳар ҳафта ўтказиладиган ютуклар тиражида албатта бешта асосий ютук бўлади. Энг катта биринчи ютук бутун ютук фонднинг 50 фоизини ташкил этади.

Бошқа лотереялардан фарқи ўлароқ бу лотерея эгаси қўшимча ютук ютмиш имконига эгадир. 10 мингтага яқин бўладиган бундай қўшимча ютук келгуси ютуклар тиражда иштирок этиш имконини беради. Шунингдек, бундай лотереяга тиражларда белгиланган қийматда пул эки буюм ютуғи ҳам чиқади.

Агар ютуклар чиқарилган, лекин сотилмаган лотерея билетларига тушса, уларга чиққан ютук кейинги тираж ютук фондига қўйилади. Шу сабабли келгуси сафар ютук мидори икки бараварга кўпайиши мумкин.

Янги хайрия пул-буюм лотереясининг баҳоси 30 сўм бўлади. У яқин кунларда савдога чиқарилади. Янги лотереянинг биринчи тиражи Тошкентда ўтказилди. Бундан кейингилари эса Буюқ Ипак йўлидаги шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хивада бўлиб ўтади.

Ўз муҳбиримиз.

ТИЖОРАТ
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР

Алоқа иншоотини таъмирлаш режали-профилактик ишлари ўтказиш муносабати билан шу йил 4 мартдан 15 мартга қадар қ у й и д а г и манзилларда: Ц-27 даги 15, 16, 17 А, 17 Б, 17 В, 17 Г уйлар, Блок кўчасидаги 18, 19, 20 уйларда (42/49 АТС бўйича) ишламайди.

Алоқа иншоотини таъмирлаш режали-профилактик ишлари ўтказиш муносабати билан шу йил 4 мартдан 15 мартга қадар қуйидаги манзилларда: мас-сив Б-1 нинг 1, 13, 13 А, 14 (42/49 АТС бўйича) ишламайди.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Америка элчило-наси ички кўриқлаш хизмати бўш иш жойларига номзод қидирмоқда. Ёши 30 гача бўлган, жисмонан чиниққан эркаклар керак. Агар милиция, соққлик ёки харбий хизматда тажриба ортиртган кишилар бўлса-ю улар инглиз тилини билсалар яна ҳам яхши. Мурожатномани (формаси элчилонада мавжуд) фақат инглиз тилида тўлдириш керак. Мурожатномалар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 7 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент, Чилонзор кўчаси, 82.

Ташки иқтисодий фаолият қатнашчиси Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1993 йил 6 майда «Улугбек» ЛТД фирмасига берилган 000-А/442 рақамли йўқоқдан

ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Халқ таълими беш бошқармаси, Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, халқ таълими ходимлари туман қасба уюшмаси қўмитаси, 148-мактаб жамоаси шу мақтаб директори Ф. А. Абзаловга рафқаси

Мамакит АБЗАЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия ихзор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Маназилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар:
33-81-42, 36-57-27.

Душанба, горшанба ва ҳуҷна кўналари чиқади.
Ҳафтўра кўрсатишги
64690

Нашрини етказиб бериш масалаларни буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожат қилишни мумкин.